МУСТАҚИЛЛИК ЗАРВАРАҚЛАРИ

13 август
Ўзбекистон Республикаси Президенти Покистон Ислом Республикасига ташриф буюрди.

23 сентябрь
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

1992 йил

28 сентябрь
Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида маъруза қилди.

1993 йил

24-26 октябрь
Мамлакат Президенти бошлиқ давлат делегацияси Хитой Халқ Республикасида расмий ташрифда бўлди.

1994 йил

14 сентябрь
Тошкент Давлат университетига Мирзо Улуғбек номи берилди.

1995 йил

26 апрель
"Амир Темур" орденини таъсис этиш ҳақида Қонун қабул қилинди.

29 май
Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Бош директори Арпид Богш Ислом Каримовга ЖИМТнинг олтин медалини топширди.

1996 йил

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 17 август, шанба № 106 (22.027).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШДИ

Мустақилликнинг шонли беш йиллиги арафасида мамлакатимизда, жумладан Ватанимиз пойтахтида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кун сайин чирой очиб бораётган Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадиони қайта қурилиши ана шулардан биридир. Бу ерда республикамизнинг ўнлаб қурилиш ташкилотлари ҳашар йўли билан «Пахтакор» марказий стадионини Англия, Германия ва Голландия мамлакатларидаги каби замонавий ўйингоҳга айлантириш учун меҳнат қилмоқда. Бунинг учун ҳозиргача 64 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Айни пайтда бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Суратда: спорт иншоотларини кўриш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

16 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республика «Пахтакор» спорт машғулотлари бирлашмасига ташриф буюриб, стадионда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан танишди.

Ислом Каримов «Пахтакор» марказий стадиони Ғарб мамлакатларидаги ўйингоҳлар каби кузни қувонтирадиган, футболчилар учун қулай, томошабинлар мириқиб ҳордиқ чиқарадиган маскан бўлиши лозимлигини таъкидлади. Мазкур стадион Марказий Осиёда ягона ўйингоҳ, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мусобақалар ўтказишга тайёр бўлиши керак, деди жумладан Ислом Каримов. Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, республика «Пахтакор» спорт машғулотлари бирлашмаси бош директори У. Зоҳидов ўйингоҳ энг замонавий стадионлардан бири бўлишига кафолат бердилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни пойтахтда таъмирдан чиқаётган Олимпия шон-шуҳрати музейини ҳам бориб кўрди. Бу иншоот қурилишида айни пайтда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 12-тресті қурувчилари Югославиянинг «Торек» фирмаси билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Олимпиячиларимиз ютуқларини кўз-кўз қиладиган, турли спорт байрамлари, тадбирлари ўтказиладиган гўзал масканлардан бири бўлажак мазкур иншоот мустақиллик байрамигача фойдаланишга топширилади.

Юртбошимиз спорт иншоотлари қурилиши билан танишар экан, қурувчиларга зарур тавсиялар, топшириқлар берди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАНИНГ БИР ГУРУҲ СПОРТЧИ ВА СПОРТ УСТОЗЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси ҳамда Атлантада (АҚШ) ўтказилган XXVI олимпия ўйинларида катта ютуқларга эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

БАГДАСАРОВ Армен Юрьевич — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг дзюдо бўйича спортчи-йўрикчиси

ТУЛЯГАНОВ Карим Олимжонович — Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

АТАЕВ Нариман Шамсутдинович — марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

ГАНИЕВ Рамиль Маратович — республика олий спорт маҳорати мактабининг енгил атлетика бўйича спортчи-йўрикчиси

ЧУСОВИТИНА Оксана Александровна — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг гимнастика бўйича спортчи-йўрикчиси

ЯРБЕКОВ Дилшод Аҳмедович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг бокс бўйича спортчи-йўрикчиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АҲМЕДОВ Шуҳрат Геннадьевич — Мудофаа вазирлиги жисмоний тайёргарлик ва спорт бўлимининг катта зобити

АЧИЛОВ Адҳам Ўткурович — Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

ЗАХАРДИНОВ Дамир Минимуллаевич — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўрикчиси

ИСЛАМОВ Рамиль Раисович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўрикчиси

ҚЎЗИЕВ Шермуҳаммад Холматович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг грек-рим кураш бўйича спортчи-йўрикчиси

МУХТАРОВ Алишер Муҳамеджанович — Қарши давлат университети талабаси

ПУЛЯЕВ Григорий Валерьевич — Марказий ҳарбий спорт клубининг харбий хизматчиси

ШМАКОВ Владимир Викторович — Тошкент олий ёнғинни ўчириш техника билим юрти кабинет бошлиғи

ШТУРБАБИН Андрей Анатольевич — «Чимён» спорт клубининг дзюдо бўйича спорт устози

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

КУЗНЕЦОВА Светлана Михайловна — республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг катта спорт устози.

МУҲАМЕДОВ Ҳасан Ильёсович — 8-Олимпия ўринбосарлари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг директори

ПЯТАЕВ Владимир Евгеньевич — «Динамо» спорт жамиятининг катта спорт устози.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 август.

ЮЗ МИНГ ЖУФТ ҚЎЛҚОП

БУХОРО. «Нашқбанд» ҳиссадорлик жамияти пойабзалчилари маҳсулот сифатини яхшилаб, харидоргир моллар турини ҳам кўпайтирмоқдалар. Чунончи, пойабзал учун ишлатиладиган чарм чиқитларидан қўлқоплар тайёрлаш йўлга қўйилди. Йилига юз минг жуфт қўлқоп ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Пойабзалчилар Кировдаги «Сунъий чарм» ҳиссадорлик жамияти билан алоқа боғлашган.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА: САМАРҚАНД — ФАРҒОНА

Бу икки вилоят деҳқонлари ҳафта давомида бир-бирларининг ишлари билан танишиб чиқдилар. Фарғона вилоят ҳокими М. Исломов якуний йиғилишда шундай деди:

— Биз ўзаро беллашувдан жуда катта манфаатдор бўлдик. Чунки мусобақадошларни муносиб кутиб олиш, уларнинг олдида қизариб қолмаслик учун қисқа муддат ичида деярли барча пайкалларни назоратдан ўтказдик. Ғўза зарарли ҳашаротлардан тозаланди, қўшимча озуқалар берилди. Йўлларимизни, кўчаларимизни тартибга келтирдик.

— Биз эса фарғоналиклардан пахта етиштириш масаласида кўплаб тажрибаларни ўргандик, — дейди Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев — Хусусан ғўзани чанқатмасдан, қуллатмасдан суғориш технологияси маъқул тушди. Бундан ташқари, мусобақадошларимиз бизга плёнка остида пахта етиштириш, унинг навларини табиий иқлимга мослаб тайёрлаш борасида жуда қимматли маслаҳатлар беришди.

Дарҳақиқат, бу икки салмоқли вилоятлар деҳқонларининг ўзаро беллашуви ҳар иккала томон учун ҳам фойдали бўлди. Улар гап фақат камчиликларни аниқлашда эмас, балки уни биргаликда бартараф этишда деган шиорга амал қилиб, бир-бирларига ёрдам кўрсатдилар.

Жорий йилда фарғоналиклар 275 минг тонна, самарқандликлар эса 250 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга бел боғлашган. Ана шу мақсад йўлида улар август ойининг қолган кунларини ҳам, ҳаттто 10 сентябрга қадар ғўза парвариши учун зарбдор вахта деб эълон қилдилар. Якуний йиғилишда гапдан кўра маслаҳат, тажриба алмашиш мусобақадошларга маъқул тушди. Хусусан фарғоналикларнинг дондан бўшаган майдонларда серҳосил кўчатлар етиштиришлари, самарқандликларнинг эса тола сифатини яхшилаш борасидаги тажрибалари алоҳида қайд этилди. Мусобақадошлар бир-бирларининг маслаҳатлари асосида ғўза ривожини тезлатиш, ҳосилни тезроқ пишириш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб олдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«УСМОН НОСИР ҚАЕРДА?»

НАМАНГАН. Алишер Навоий номли вилоят театри ижодкорлари мустақилликнинг беш йиллигига муносиб туҳфа ҳозирладилар. Улар «Усмон Носир қаерда?» деган янги саҳна асарини томошабинлар эътиборига ҳавола қилишди. Абдулла Аъзамов қаламига мансуб бу асарни республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев саҳналаштирган.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

ТОШКЕНТ. Талабалар шаҳарчасида бир кечакундузда 15 хилдаги беш тоннадан кўпроқ нон ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Германиянинг «Винклер» фирмаси билан ҳамкорликда қурилган бу цехга «Билим» номи берилди. «Янги ўқув йилидан бошлаб бўрсилдоқ нонлар хилини янада кўпайтириш кўзда тутилган», — дейди шаҳарча ҳокими Агзам Акром-хўжаев.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

КЎЗИМ ЧИҚСИН... КЎРГУНЧА БУНДОҚ

Бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкаллари олдида таъзимга бош эгишимиз табиий. «Ўзбекистон миллий боғи» теграсида қад ростлаб турган ҳайкални зиёрат қилиш, гуллар қўйиш анъана. Ёш келинкуёвлар Навоийга хос боқий муҳаббатдан баҳра олиш илинжида аввало шу ерга қадам ранжида қилмоқдалар. Умуман, пойтахтимиз меҳмонларини ҳам бу ажиб гўшага олиб келиш одат тусига кирган.

Афсуски, Навоий ўзининг ортида юз бериб турган нохуш манзарадан юз ўгириб турганга ўхшайди. Маълумки, ҳайкалнинг орқасида улкан сайлгоҳ бор. Бир вақтлар ёшу қарининг севимли масқани бўлган сердарахт, соя-салқин ва баҳаво боғнинг истироҳати қолмаганини кўриб, ачиндик. Ахир, маданият саранжом-саришталиқдан бошланади, дейишади. Наҳотки, истиқлолимизнинг беш йиллигини байрам қилишга ҳозирлик кўрилаётган бир пайтда одамлар сайр қилиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга ўрганган боғимиз шундай қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилса. Асосан ғашга тегадигани супуриб-сидириш йўлга қўйилмаган. Ахлат уюмларини қўяверасиз. Довдарахтлар сувсизликдан қовжираяпти, гулзорлар қаровсиз. Ҳавоси ҳам шунга яраша ёқимсиз ҳолга келган.

Луқма

Ёшу қарининг завқини оширадиган камалаксимон осма кўприкка чиқиб бўлмайди. Боиси, қоқилган тахталари чириган ва кўчган. Болаларнинг қувончи саналган кичик поездга тушиб, атроф табиатдан завқланиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлаверади. Кўл юзини шох-шабба ва турли ташландиқлар босган.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, Бешёғоч майдони тарафидан бораверишда бир қарашда кўнгилга ўтирмайдиган манзара бор. Яъни ҳунук том устига «Ўзбекистон миллий боғи» деб ёзиб қўйилган. Номидан ҳам кўриниб турибдики бу боғ халқимизнинг фахри бўлмоғи керак. Наҳотки, чор-атрофда ободонлаштириш, покизалаш ва янгилаш ишлари олиб борилаётган бир чоғда, бир пайтлар «Комсомол кўли» деган сўзлар ўрнига миллий боғ деган иборани ишлатиш билан кифояланиб қолсак. Шунга эришиш лозимки, боққа кираверишдаги одамларда дастлабки илиқ таассуротни қолдирадиган бўлсин.

Искандар РАҲМОН.
Қуролли кучлар фахрийси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1996 ЙИЛГИ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲОСИЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚАРИСИГА СОТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жорий 1996 йилда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳосили нобудгарчилигига йўл қўймаслик, уни истеъмолчиларга сотишни жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига сотишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва оператив масалаларини кўриб чиқиш бўйича республика комиссияси тузилсин.

Комиссия мева-сабзавот маҳсулотлари сотишнинг боришини мунтазам таҳлил этиб борсин ва пайдо бўладиган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрсин.

2. «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзтайёрловсавдо» уюшмалари, «Ўзбекбирлашув» ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг юклаб жўнатиладиган маҳсулотлар ҳажми бўйича таклифларига розилик берилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» (Носиров) ва «Ўзтайёрловсавдо» (Қурбонов) уюшмалари, «Ўзбекбирлашув» (Бурхонов) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Жуманиёзов) ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини Россия Федерацияси истеъмолчиларига етказиб бериш юзасидан шартнома-контрактларнинг бартер бўйича моддий-техника ресурсларини, биринчи навбатда ёғоч-тахта материаллар, металл прокати, қувурлар, автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникасини ўзаро етказиб бериш шартлари билан тузилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва корхоналар раҳбарлари ҳўл мева-сабзавот ва консерва маҳсулотларини Россия Федерацияси истеъмолчиларига вилоятлар маъмуриятларининг етказиб берилаётган маҳсулот учун 1996 йил охиригача пул билан ёки моддий-техника русурслари билан ҳақ тўлаш тўғрисида кафолат хатлари мавжуд бўлган тақдирда жўнатсинлар.

5. Маҳсулот сотилгандан кейин валюта тушумининг бир қисмини, истисно тариқасида, Марказий банкка, бироқ 1996 йил 31 декабрдан кечикмай, мажбуран сотишга рухсат берилсин.

6. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ҳокимлари, тегишли вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан битимлар тузиш учун Россия Федерацияси минтақаларига шахсан ўзлари борсинлар.

7. «Ўздавстандарт» (Асриянц), ўсимликлар карантини бўйича давлат назорати (Тўлаганов), Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин), ваколатли банклар, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов) ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари жўнатувчи жойлашган жойда юклаб жўнатиш ҳужжатлари икки суткадан кўп бўлмаган муддатда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласинлар, ушбу ишда сансалорликка ва сунъий тўсиқлар вужудга келтирилишига йўл қўймасинлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ҳўл мева-сабзавот ва консерва маҳсулотларини тузилган контрактлар бўйича юклаб жўнатиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этсинлар;

жойларда зарур ҳужжатларни тезликда расмийлаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини юклаб жўнатиш бўйича таянч пунктлари ташкил этсинлар.

9. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси раиси Н. Эрметовнинг:

ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини темир йўлда ташиш тарифлари Қозоғистон Республикаси ҳудуди бўйича 1996 йил 31 декабргача, Россия Федерацияси ҳудуди бўйича (Москвагача) 1996 йил 1 ноябргача 50 фоизга пасайтирилганлиги;

Россия Федерациясининг бошқа йўналишлари бўйича темир йўлда ташиш тарифларининг пасайтирилиши тўғрисидаги масала «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга контрактлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар бир аниқ ҳолатда Россия Темир йўллар вазирлиги билан биргаликда ҳал этилиши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

10. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов):

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳўл мева-сабзавот ва консерва маҳсулотларини ташиш тарифларини 50 фоизга пасайтирсин;

юкни жўнатувчининг ташишнинг тўлиқ қийматини белгиланган муддатларда тўлаш тўғрисидаги кафолати билан олдиндан ҳақ тўланмасдан юкка ҳаракатдаги составнинг ўз вақтида ажратилиши ва берилишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 6 августдаги 323-Ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Гиниятуллин зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 август.



ТОҒ-АДИРЛАР БАҒРИДА.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ИККИНЧИ УЧРАШУВ МЎЛЖАЛЛАНЯПТИ

Исроил Фаластин давлати раҳбари Ясир Арофат билан олий даражадаги иккинчи учрашув ўтказишни мўлжаллаётганлигини маълум қилди.

Учрашувда Яқин Шарқда тинчликни мустаҳкамлаш муаммоси муҳокама этилади

ҲОЗИРЧА ҲИБСГА ОЛИШМАДИ

Бирлашган Араб Амирликлари ахборот манбаларида маълум бўлишича, Саудия Арабистонидаги бир гуруҳ терговчилар шу йил июнь ойида 19 нафар америкалик хизматчиларнинг ўлдирилишига оид айрим маълумотларни қўлга киритишди.

Саудиялик терговчилар кўплаб одамларнинг бу қотилликка алоқадор кўрсатма, фикр-мулоҳазаларини чуқур текшириб маълум хулосаларга келишди. Лекин ҳозирча терговчилар ҳеч кимни ҳибсга олганича йўқ.

БАЙРАМДАГИ ФАЛОКАТ

Перуда чоршанба куни байрам нишонланаётган бир паллада телеграф тармоқларида электр қувватининг ортиб кетиши натижасида чиққан ёнғиндан 35 нафар одам ҳалок бўлди. 40 нафар одам жароҳатланишди. Байрам куни кучланишнинг ҳаддан зиёд ошганлиги шундай фалокатни келтириб чиқарган деб кўрсатади, манбаларда.

ЖАКАРТАДАГИ ҚЎЗҒОЛОН

Яқинда Индонезиянинг пойтахти Жакартада рўй берган қўзғолон ҳақида жаҳон матбуотида эълон қилинганди. Ўтган жума куни Индонезия Президенти Сухарто мамлакат сиёсий тузилмасида ҳар қандай ўзгаришлар бўлишини истисно этди. Мамлакат пойтахтида бўлган қўзғолон эса анархистларнинг ишидир, деб таъкидлади Президент.

Янгиликни шарҳлаймиз

ОЛДИНГА ЧОРЛОВЧИ СЎЗ

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда матбуот нашрига эга вазирликлар, идоралар раҳбарларининг пойтахтда бўлиб ўтган таъсис конференциясида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланувчи янги ижтимоий-сиёсий жамғарма ташкил этилди.

Республикамиздаги жамики қалам аҳлини бирлаштирувчи бу жамғарма жаҳон андозалари талабларини қондиришга интилаётган журналистларимизга ҳар томонлама мадад бўлишига даъват этилган. Жамғарма Низомида белгиланишича унинг асосий мақсади Ўзбекистонда демократик ахборот муҳитини ҳосил қилишдир. Олдинга муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилиш вазифаси қўйилган. Аввало матбуотни халққа яқинлаштириш, ижодий жараёнда демократик ғояларни жорий қилиш, мамлакатда матбуот эркинлигини янада кенгайтириш, айни пайтда қалам соҳибининг юридик, ижтимоий, иқтисодий ва ижодий ҳуқуқлари, қадр-қиммати, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилади.

Бугунги бозор муносабатларига ўтиш даврида матбуотнинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода янги ташкил этилган фонд хўжалик ишларини такомиллаштиришга аҳд қилганлигини табриклаш керак. Фонд раҳбарларининг айтишларича, давлат муассасалари, фирмалар, тадбиркор кишилар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, қатор қўшма корхоналар очилади. Бошқача қилиб айтганда, сўз қудратини ишга солишга чоғланган касбдошларимиз ишлаб чиқаришни қандай йўлга қўйиш кераклигини амалда намоён этадилар.

Фонд белгилаган режалардан яна бири хорижий газета ва журналлар, радио ва телевидение жамоалари билан алоқалар ўрнатиш ҳамда мавжуд муносабатларни мустаҳкамлашдан иборат. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бораётган Ўзбекистонимиз ер юзининг турли нуқталарида мухтор вакилларга эга бўлишлари олдинга қўйилган вазифалардан биридир. Айни пайтда дунёнинг исталган нуқтасида ўз қарашларини дадил ифодалай оладиган, зарурат бўлганда чет эллик ҳамкасблар билан беллаша оладиган малакали мутахассислар керак. Ана шу талабларга жавоб бера оладиган мухбирлар тайёрлаш ҳам жамғарманинг келгуси режалари орасидан жой олган.

Сўзнинг сеҳрли кучи бор дейдилар. Ана шу қудратни оммавий ахборот воситалари орқали ишга солиб, ислоҳотларни жорий этишдаги жонажон ишга муносиб ҳисса қўшиш матбуот ходимларининг қалб муддаосидир. Ҳеч шубҳа йўқки, янги ташкил этилган жамғарма барча қалам аҳлини ана шу йўлда нурли манзилларга чорлаб боради.

Қисқа муддатли давлат облигацияларининг 21006UMFS чиқарилишини жойлаштириш тўғрисидаги ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 21 августда қисқа муддатли давлат облигацияларининг олтинчи чиқарилишини сотиш бўйича кимошди савдоси ўтказилишини эълон қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21006UMFS;

б) Чиқарилиш ҳажми: 1 500 000.000 (бир миллиард беш юз миллион) сўм;

в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўмни ташкил этади;

г) Облигациянинг қопланиш муддати: 1996 йил 20 ноябрь;

д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.

е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кимошди савдоси 1996 йил 21 август соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 6-уйда ўтказилади.

Кимошди савдоси ўтказилиши муносабати билан қисқа муддатли давлат облигацияларининг иккиламчи савдолари вақти ҳам ўзгаради. Савдолар 21004UMFS рақамли тўртинчи чиқарилиш бўйича 20 август сеншанба куни, 21005UMFS рақамли бешинчи чиқарилиш бўйича **22 август** пайшанба куни ўтказилади. Савдолар соат 10.30 да бошланади. **Манзил: Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 6-уй, Республика валюта биржаси.**

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ, шу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

Тартиб рақами	Дилер	Манзил, телефон
1	Ўзсаноатқурилиш банки	Тошкент ш. А. Тўқай кўч. 3. тел. 33-24-86, 36-14-77.
2	Миллий банк	Тошкент ш. Охунбобоев кўч. 23. тел. 33-17-12, 33-74-15.
3	Ўзпахтабанк	Тошкент ш. Муқимий кўч. 43. тел. 78-10-94, 77-91-66.
4	Халқ банки	Тошкент ш. Қатортол кўч. 46. тел. 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14.
5	Ғаллабанк	Тошкент ш. Лоҳутий кўч. 36. тел. 36-16-17.
6	«Турон» АТББ	Тошкент ш. Навоий кўч. 44. тел. 42-23-85.
7	Ўзприватбанк	Тошкент ш. Амир Темур кўч. 24. тел. 34-64-88.
8	«Ипак йўли» АИТБ	Тошкент ш. Фарҳод кўч. 12а. тел. 76-89-73.
9	Тошшўйкойжамғармабанк	Тошкент ш. Ўзбекистон шоҳ кўч. 16а. тел. 45-62-39, 45-54-45.
10	Алоқабанк	Тошкент ш. Толстой кўч. 1. тел. 36-10-21.
11	Трастбанк	Тошкент ш. Навоий кўч. 7. тел. 41-01-10.
12	Ўзгеосбанк	Тошкент ш. Т. Шевченко кўч. 11. тел. 56-19-20.
13	Тошкент агроқурилиш банки	Тошкент ш. Халқлар Дўстлиги кўч. 11а. тел. 77-27-55.
14	Андижонбанк	Андижон ш. Бобур шоҳ кўч. 85. тел. 45-33-69 (Тошкент), 4-36-88 (Андижон).
15	Асакабанк	Тошкент ш. Қатортол. 46. тел. 78-51-81, 78-53-63.

21003UMFS-чиқарилишидаги қисқа муддатли давлат облигацияларини қоплаш ҳақида ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 21 августда учинчи чиқарилишдаги қисқа муддатли давлат облигацияси қопланишини маълум қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21003UMFS;

б) Чиқарилиш ҳажми: 850 000 000 (саккиз юз эллик миллион) сўм;

в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўмни ташкил этади.

Қопланишни амалга ошириш 1996 йил 21 август куни соат 9.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: **Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 6-уй.**

21003UMFS чиқарилишидаги облигацияларни қоплашдан олинган маблағлардан 21006UMFS чиқарилишдаги облигацияларни харид қилишда фойдаланиш мумкин. Қоплаш билан боғлиқ масалалар бўйича облигация эгалари билан шартнома тузган дилерларга мурожаат қилиш лозим.

Муштарий таклиф этади.

ЎРИНДИҚЛАР КЎП БЎЛСА

Тошкент шаҳрига йўлим тушиб, Амир Темур хиёбонида бўлдим. Ҳозир бу ер шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг чинакам дам олиш оромгоҳига айланибди. Бироқ...

Гапнинг ростини айтганда ана шу ажойиб дам олиш масканида ўриндиқлар анча кам. Менимча, Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳардаги барча оромгоҳларда янги ўриндиқлар қуриб қўйишса яхши бўларди. Кўпгина автобуслар тўхташ бекатларидаям ўриндиқлар йўқ, борлари эса жуда эскирган. Умуман айтганда, шаҳар транспорт хизмати раҳбарлари кира ҳақини анча оширибдилару, аммо йўловчиларга хизмат кўрсатишни тубдан ўзгартиришга эътибор беришмаганга ўхшайди...

Мустақиллигимизнинг 5 йиллик байрамини нишонлайдиган кунга ҳам оз вақт қолди. Ўйлаймиз ва ишонамизки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги байрамга тайёргарлик кўриш жараёнида оромгоҳлардаги ва бекатлардаги ўриндиқларни кўпайтиришга, борларини созлашгаям, албатта, эътибор беради.

Саъдулла ХЎЖАНИЁЗОВ.

ОРДЕРИМИЗНИ БЕКОР ҚИЛИШДИ

Ислоҳот йўлидаги муаммолар

Икки йилдан ортиқ 15-модалар ателъесида пудрат асосида ишладик. Кейин 1994 йил 20 январда Талабалар шаҳарчасидаги бу маиший хизмат уйини «Ташгоршвейбыт» жамоа корхонаси тасарруфидан чиқариб, иморати, дастгоҳи, мол-мулки билан менинг номимга хусусий мулк қилиб беришга қарор қилинди.

Иморат эгаси «Ташгоршвейбыт» керакли ҳужжатларни тайёрлаб берди. Биз уни Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бўлимига топширдик. Қисқаси, давлат ордерини ҳам олдик. Ателье «Азиза-Бахти» хусусий фирмасига айланди. Дарров муҳр, штамп тайёрлатдик. Банкда ўз счётимизни очдик. Рўйхатдан ўтдик. Бино бизники бўлгач ўша ерда жойлашган кимёвий тозалаш жамоа корхонаси билан ижара шартномаси тузди.

Орадан хиёл вақт ўтиб, бу жамоа корхонаси ордер «Азиза-Бахти»га нотўғри берилган, дея С. Раҳимов туман прокуратурасига даъво арзизаси билан чиқди. Ордер тўғри олинганлиги тасдиқланди. Ана шундан кейин судлашишлар бошланди. Даъвогар ўз аризасида иморатнинг ярми сотиб олинган. Давлат мулк қўмитасининг 1995 йил 15 августдаги 02/20—1991 рақамли тавсияномасида хусусийлаштириш даврида иморатда жойлашган корхоналарни ҳисобга олиш кўрсатилган, деб даъво қилмоқда.

Биз иморатни баланс нархи бўйича 958 минг сўм-купонга олганмиз. Бу «Ташгоршвейбыт» билан тузган олди-сотди шартномаси асосида қилинган. Буни қарангки, кимёвий тозалаш жамоа корхонасидаям баланс бор. У иморат бизга сотилгандан тўрт ой кейин берилган.

У ердагилар олти ойлаб бизга ижара ҳақи тўламагани етмагандек, яна бизни судга беришди. Можарони вилоят хўжалик суди коллегияси кўриб чиқиб, мазкур жамоа корхонасининг аризасини қондирди.

Биз аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш ниятида ихтиёримиздаги иморатнинг 400 квадрат-метр ҳажмдаги томини қайта таъмирладик. Унинг атрофини темир панжара билан ўраганмиз. Шим ва аёлларга қўйлак тикиш хоналарини, йўлакларини таъмирладик. Иккинчи қаватда янги сартарошхона очдик. Ҳали тайёр буюмларни сотадиган дўкон ташкил қилиш ниятимиз бор.

Ўтган йили 410 минг сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, бу йил уни 500 минг сўмга етказмоқчимиз. Агар бино бўлинса, ишимизга путур етади. Иморат талашишдан сўнг авария ҳолатига тушади. Сансоларлик бошланади. Ўз-ўзидан келишмовчиликлар қалқиб чиқади.

... Охири республика Олий хўжалик суди пленумида кўриб чиқишларини сўраб ариза бердик. Улар йигирма кун ичида кимёвий тозалаш корхонасидагилар билан шартнома тузишимизни тавсия қилишди. Биз муддатсиз ва бепул шартнома тузишга келишиб, уни бажардик. Аммо мазкур корхона раҳбарияти қўл қўймади. Устига-устак Тошкент шаҳар хусусийлаштириш бош бошқармаси қарори билан бизнинг ордеримиз бекор қилинди.

Энди биз 1994 йил сотиб олган, хусусийлаштирган дастгоҳлар, иморатни қайтадан хусусийлаштиришимиз, бошқатдан пул тўлашимиз лозим эмиш. Қисқаси корхонани ривожлантириш ўрнига, беркитишга мажбур этмоқдалар.

Фирмамизда 49 киши ишлайди. Уларнинг 23 нафари тўғруқ таътилида. Нима қилишга ҳайронмиз: Биз бу масалада югураверишга чарчадик.

Хусусий мулк эгасини шунчалар қийнаш кимга керак? Ўзлари берган ордерни ўзлари ўринсиз бекор қилаверишса хусусий мулк ривожланадими?

Нортожинисо ОЧИЛОВА,
«Азиза-Бахти» хусусий фирмаси раиси.

ТЕСТ-96: ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Бу йилги тест синовларининг боришини бутун халқимиз алоҳида эътибор билан кузатиб турди, десак янглишмаймиз. Негаки, ўзига адолат мезонларини асос қилиб олган бу усул талаба танлашда ислоҳот ғалабасига «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қилиши керак эди. Яширишнинг нима ҳожати бор, ўтган йили битта-яримта нопок шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари одамларда тестга нисбатан бирмунча шубҳа уйғотган эди. Тест ўғриларининг матбуот ва телевидениеда фош этилиши бундай ҳол тасодиф эканлигидан огоҳ этгандай бўлди. Демак, билими бор йигит-қиз албатта талабалар сафидан жой олади — бу фикр кенг жамоатчилик онгида мустаҳкамланди. Фикримизни қуйидаги рақамлар исботлаб турибди. Бу йил Ўзбекистон олий ўқув юртларига 92 минг нафар ўқувчи ҳужжат топширди, бултур бу рақам 79 мингни ташкил этганди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази 1996 йил бошидан янги раҳбар бошчилигида белни маҳкам боғлаб ишга киришди. Техника фанлари доктори Муҳсин Муҳитдинов фақат фидойи ва касбига меҳр қўйган кишилардан команда тузди. Қисқа муддатда 15 та жилддан иборат «Ахборотнома»нинг чоп этилиши кўплаб мутахассисларнинг беҳаловат кунлари ва тунлари эвазига бўлди. Келгусида тест якунлари бафуржа таҳлил қилинар, олинган сабоқлар умумлаштирилар, лекин ҳозирданоқ ишонч билан шуни айтиш мумкинки, бу йилги тест синовида ўз билимини намоён этган ёшлар аввало «Ахборотнома»га раҳмат дейишяпти.

— Мен 1 август куниёқ уйга келиб қайси саволлар тушганини «Ахборотнома»ни варақлаб деярли юз фоиз эладим, — дейди Тошкент педиатрия институти талабаси (энди талаба десак бўлаверади) Абдулҳамид Баротов. — Ўзимча қанча балл тўплаганимни ҳисоблаб чиқдим ва кўнглим хотиржам бўлди. Ишонасизми, жавоблар эълон қилинганда айнан 212 балл тўплаганим маълум бўлди.

Ҳа юзлаб-минглаб саволлар ичида айнан тестда тушган мавзуларни эслаб қолиш учун шунчаки хотира мустаҳкам бўлиши кифоя қилмайди. Тест синовлари юртимизда ноёб истеъдодларни кашф этмоқда. Бунинг учун тест марказидаги саноқли ходимлар ойлаб иш жойларидан ташқари чиқмай чин фидойилик кўрсатиб ишлашаётганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Биз куни кеча ана шу даргоҳда бўлдик. У ердаги ходимларнинг ташқи дунёдан «узилган» ҳолда ишлаётганларига гувоҳ бўлдик. Марказ ҳудудида қаттиқ назорат ўрнатилган, ҳар бир қадамингиз ҳисобда, эрталабдан то иш тугагунча (баъзи кунлари иш тунги соат Зларгача давом этади) бўлган жараён видеотасвирга туширилиб, кассеталар темир сандиқларда сақланади.

— Бир куни тест дафтарлари солинган темир сандиқнинг сургич билан ёпиштирилган ипи сал кўчгандай бўлибди, — деб ҳикоя қилади М. Муҳитдинов. — Ҳамма ҳайрон: нега бундай бўлди? Бутун иш жараёни туширилган видео тасвирни кўйиб кўрганда билдикки, сандиқни хонага кўтариб кираётганда эҳтиётсизлик туфайли ип жойидан қўзғалган экан. Хайрият деб эркин нафас олдик.

Тест натижаларини тезкорлик билан аниқлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Негаки, жавоб натижаларини эълон қилиш қанча чўзилса одамларда шунча кўп шубҳа уйғонади. Буни дилдан англаган марказ ходимлари мисли кўрилмаган даражада қисқа муддатда — олти кун ичида 92 минг талабаликка даъвогарнинг тўплаган балларини аниқлаб Давлат комиссиясига топширдилар. Эҳтимол бунча ҳажмдаги иш бафуржа бажарилса, бир йил ҳам етмас.

Дастлабки хулосалар шундай: Ўзбекистоннинг деярли барча олий ўқув юртларида бу йил ўтиш баллари кескин кўтарилди. Бу аввало халқимизда тест синовига бўлган ишончнинг ошганлигидан. Қуйида тест маркази «Ўзбекистон овози»га бажонидил тақдим этган маълумотлардан бир қисмини ҳавола этяпмиз.

Олий ўқув юртининг номи	Йўналиш	Ўтиш баллари
Андижон давлат университети	1005	143,5
	1007	158,5
	1015	165,0
Андижон давлат чет тиллар педагогика институти	1025	150,9
Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти	1016	150,2
Бухоро давлат университети	1001	122,1
	1005	178,9
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти	1016	138,5
Гулистон давлат университети	1007	135,6
	1015	134,6
Жиззах политехника институти	1016	120,0
Наманган давлат университети	1005	172,0
	1015	167,1
Самарқанд давлат университети	2001	131,2
	1029	193,1
	1007	165,8
Тошкент давлат университети	1007	154,6
	1016	157,1
	1020	154,9
	1029	167,9
Тошкент давлат техника университети	1016	157,9
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	1025	159,3
	1027	142,8
Тошкент давлат шарқшунослик институти	1014	153,7
	2030	195,8
Тошкент архитектура-қурилиш институти	1016	154,6
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	1016	133,9
Тошкент автомобиль йўллари институти	1016	150,0
Тошкент кимё-технология институти	1016	139,1
Термиз давлат университети	1007	142,1
	1153	122,5
Урганч давлат университети	1001	126,9
	1007	156,6
	1015	170,0
Фарғона давлат университети	1005	142,4
	1016	167,7
	1026	163,6
Фарғона политехника институти	1016	142,9
Қарши давлат университети	1007	164,1
	1025	148,2
Қорақалпоқ давлат университети	3005	136,0
	3015	146,1
	3025	159,1
Самарқанд давлат чет тиллар институти	1019	149,7
	1026	168,6
Тошкент авиация институти	1016	151,1
Жиззах давлат педагогика институти	1005	135,7
	1007	141,5
Нукус давлат педагогика институти	3012	137,4
	5201	169,6
Навоий давлат педагогика институти	1007	149,9
	1015	166,7
Тошкент вилоят давлат педагогика институти	1015	133,5
Тошкент давлат педагогика институти	1005	152,1
	1015	145,9
	1150	137,3
Қўқон давлат педагогика институти	1004	134,8
	1025	154,5
Андижон тиббиёт институти	1022	174,5
	1031	188,0
Бухоро тиббиёт институти	1023	180,0
	1031	196,2
Самарқанд тиббиёт институти	1022	188,6
	1031	188,3
Тошкент биринчи тиббиёт институти	1023	181,2
	1031	180,1
Тошкент иккинчи тиббиёт институти	1024	157,6
	1031	184,5
Тошкент педиатрия тиббиёт институти	1022	164,3
Тошкент фармацевтика институти	1005	151
Андижон қишлоқ хўжалик институти	1016	108,1
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти	1016	134,2
	1001	99,3
Тошкент давлат аграр университети	1016	127,5
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти	1016	129,0
Тошкент ирригация ва механизациялаштириш институти	1001	76,4
	1016	139,0
Тошкент электротехника алоқа институти	1016	105,9
Тошкент транспорт муҳандислари институти	1016	123,7
Самарқанд кооператив институти	1016	148,1

Тест натижаларининг маълум қисмини кўздан кечирганимиздаёқ ёшларимиз билими йил сайин ошиб бораётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Муштарийларимизга шуни маълум қиламизки, таълим (ихтисослик) йўналиши кодлари Низомнинг иловасида белгиланганига кўра танланган соҳани билдириб, бу рақамлар ҳар бир абитуриентнинг жавоб варақасида акс этган.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.



Юртимнинг бир гўшаси.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 19

I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА! Профилактика муносабати билан 19 август куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Тошкент. Янги шаҳар», «Орол — менинг тақдирим». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
18.40 «Фақат қизлар учун».
18.55 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мусиқа ҳиёбони».
21.30 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.55 «Бу оқшом...»
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Қашқадарё вилояти.
00.25 — Тунги тароналар.
00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.10 «Услуб» (мода янгиликлари).
19.20 Клип-антракт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Қўрьер».
21.20 «Прайм-тайм».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт қитъаси».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Эстрада тароналари.
9.05 «Жараён». Публицистик кўрсатув.
9.35 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо давраси да».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Ҳаммаси маҳалладан бошланади. «Маҳалла — эзгулик бешиги».
10.40 «Нофелет қаерда?». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 «Бир том остида». Мультфильм.
12.50 «Чандунинг саргузаштлари». Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг спектакли.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Афшона — Ибн Сино ватани». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденнеси
18.10 — 20.40

*

20.40 Телефильм.

*

Россия давлат телевиденнеси
21.00 —21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*
